



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 25 апрель, № 80 (6010)

Жума

МАМЛАКАТИМИЗ

ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



Тадбиркор янги технология олиб келди

Ҳазорасплик тадбиркор Рўзимбой Атажонов ўтган йили Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ярмаркада қатнашиб, энг сўнгги русумдаги полипропилен қоп ишлаб чиқариш технологиясини харид қилиш бўйича битим имзолаганди.

Яқинда ана шу битим асосида туман марказида “Ҳазорасп агродеталь” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Пировардида бу ерда йилига 5 миллион погон метр маҳсулот тайёрлаш имконияти юзга келди. Ушбу лойиҳа рўёби учун 350 миллион сўмлик сармоя йўналтирилди.

Тадбиркор жорий йилда яна бир янги технология линия — ламинат қоплар тайёрловчи дастгоҳларни сотиб олиш ниятида. Шу мақсадда у ҳадемай хорижда бўлиб ўтадиган навбатдаги халқаро ярмаркага отланади.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Таркибидаги фойдали элементлар сақланиб қолади

Бухоро шаҳридаги “Левадия-Бухоро” хусусий корхонаси жамоаси ўтган йили юз тонна мева-сабзавотни қайта ишлаб, уларни қуритилган ҳолда буюртмачиларга етказиб берган эди. Яқинда бу ерда мазкур йўналишда яна бир янги лойиҳа амалга оширилди.

Натижада корхонада қуритилган мевани чипс шаклида қадоқлаш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳа рўёби учун 400 миллион сўм сарфланди. Бу ерда эндиликда инфратўлқинли қуритиш мосламаси ёрдамида йилига 250 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш мумкин. Мутахассислар фикрича, бу усул

қуритилган мева ва сабзавотларни узок мuddат сақлаш имконини беради. Улар таркибидаги фойдали элементлар эса киши организми учун дармондори вазифасини ўтайди. Шу боисдан ҳам “Левадия-Бухоро” ёрлиги остида ишлаб чиқарилаётган чипсларнинг бозори чаққон.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗЛАРИ

бугунги кунда навқирон авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга



ҚАРОР ВА ИЖРО

Одатда, янги китоб, қизиқарли бадий асар ёхуд ўзимиз учун аҳамиятли мавзудаги адабиётларни ўқишни истасак, энг аввало, кутубхона сари йўл оламиз. Табиийки, бундай зиё масканларида бўлган киши ўзи истаган китобни олиб, ортига қайтишига ошқимайди: кутубхонани айланади, янги асарларни варақлайди, бежирим муқовалар ичидаги маънавий хазина билан ошно тутинишга ҳаракат қилади.

Ҳатто яқин-яқингача зарур қўлланмаларни қидириб, мамлакатимизнинг юзлаб километр олисдаги ҳудудларида яшовчи юртдошларимиз атайин пойтахт

га келиб-кетишгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Табиийки, бу соатлаб, кунлаб, ҳафталаб вақт сарфланишига, қолаверса, ортиқча оворагарчиликка сабаб бўлар эди.

Хўш, бугун-чи? Айни пайтга келиб, тараққиёт суръатлари тобора жадаллашиши билан тизимга замонавий ахборот-технологиялари кенг кириб бормоқда. Тезкорлик ва қулайлик кутубхона хизматининг энг устувор мезониға айланаяпти. Исталган китоб, ҳатто минг йиллик қўлёзмаларнинг электрон нусхалари, электрон каталоглари яратилаётир. Бундай масканларда фойдаланувчилар, айниқса, зукко ва илмга чанқоқ ёшлар

римиз компьютерлар ёрдамида китоб ўқишмоқда. Ўғил-қизларимизга масофадан туриб билим, ахборотлар берилаяпти. Табиийки, бунда Президентимизнинг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида олиб борилаётган изчил ислохотлар муҳим аҳамият касб этаётир.

(Давоми 4-бетда).

“МЕНИНГ БИЗНЕС ҒОЯМ”

Навоий шаҳрида “Менинг бизнес ғоям” танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳудуддаги академик лицей ва касб-хунар коллежларининг юз нафарга яқин битирувчилари ўз бизнес ғояси билан иштирок этди.

Ёшларга — имтиёзли кредитлар

“Камолот” ЁИХ ва Марказий банк вилоят бош бошқармаси томонидан ташкил қилинган ушбу тадбир доирасида ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган семинар-тренинглар ўтказилди. Машгулотларда малакали мутахассислар қатнашчиларга бизнес-режа, уни ишлаб чиқиш йўллари ҳамда банк кредити олишнинг тартиблари ҳақида атрофлича маълумот бердилар.

— Танловда каштачиликни ривожлантиришга йўналтирилган бизнес-режа билан қатнашдим, — дейди Нурота иқтисодий-ижтимоий касб-хунар коллежи битирувчиси Гулжаҳон Исмоилова. — Оиламиз ушбу хунар тури билан шуғулланади. Шу сабабли, кашта тўқиш сир-синоатини яхши ўзлаштирганман. Бу борадаги лойиҳам ҳайбат аъзолари томонидан юқори баҳолалиб, менга молиявий кўмак олиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификат топширилди.

Яқунда 10 нафар битирувчи танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

(Давоми 2-бетда).

Хом ашё маҳсулот сифатини кафолатлайди

Наманган туманидаги парфюмерия ва гигиена воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Unilever chemical” қўшма корхонасида зарур хом ашёни шу ернинг ўзида тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Илгари шампунь учун хом ашёнинг 90 фоизини хориждан келтирадик, — дейди корхона раҳбари Аҳмадхон Мухиддинов. — Изланишлар натижасида уни ўзимизда тайёрлашни ўзлаштирдик. Эндиликда ушбу маҳсулот таркибидаги маҳаллий хом ашё миқдори 70 фоизга етди. Суяқ совун ва бошқа ювиш воситаларини ҳам шундай тартибда ишлаб чиқараёلمиз.

Айни пайтда жамоа хорижий ҳамкорлар билан биргаликда автомобиллар учун антифриз суяқлиги тайёрлашни йўлга қўйиш ҳаракатида.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

“Элгузар”нинг навбатдаги туҳфаси

Амударё туманидаги “Элгузар” кичик корхонаси матбаа хизматлари кўрсатиш борасида катта тажрибага эга. Ички бозор талабларини пухта ўрганган ҳолда иш юритаётган бу жамоа ўз фаолиятини муттасил кенгайтириб бормоқда. Яқинда бу ерда буюк ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

— Банкнинг 50 миллион сўмлик кредити ва ўзимизнинг 20 миллион сўм маблағимиз эвазига хориждан замонавий дастгоҳ келтириб ўрнатдик, — дейди корхона раҳбари Баҳоудин Кутлимуродов. — Натижада тўрт хилдаги сувли дис-

перция бўёғи ҳамда қурилишда қўлланиладиган қуруқ аралашма ишлаб чиқаришга эришдик. Қисқа муддатда эса буюртмачиларга 100 миллион сўмликдан зиёд янги маҳсулот етказиб бердик.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАДБИР

Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуфнинг ёрқин истеъдоди, бетакрор бадий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти бугун ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтиришга хизмат қилаяпти.

Ижод ва замон муҳри

Кеча Тошкент фотосуратлар уйида Мухаммад Юсуф хотирасига бағишланган “...Юракни Ватанга қолдириб кетдинг” номли кўргазма ўз ишини бошлади. Кўргазма доирасида бўлиб ўтган тадбирда тегишли вазирилик ҳамда идоралар ходимлари, санъат ва маданият вакиллари, шоир ва ёзувчилар, кенг жамоатчилик, талаба-ёшлар қатнашди.

Кўргазмада Мухаммад Юсуф ҳаёти ва ижодига доир 50 дан зиёд суратлар намойиш этилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2014 ЙИЛНИНГ I ЧОРАГИДА ИЖТимоий-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан белгилаб берилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш, шунингдек, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш бўйича ўрта муддатли дастурларнинг бажарилишини давом эттириш 2014 йилнинг I чорагида асосий макросиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий динамикасини сақлаш ва кейинги чорақларда иқтисодий янада ривожлантиришнинг мустақкам асосини яратишни таъминлади.

I. Иқтисодийнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминловчи амалдаги стратегияни давом эттириш, бунинг учун мавжуд захира ва имкониятлардан кенг фойдаланиш

Иқтисодийнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминловчи амалдаги стратегияни давом эттириш, бунинг учун мавжуд захира ва имкониятлардан кенг фойдаланиш шу йилнинг I чорагида ялпи ички маҳсулотнинг 7,5 фоизга ошишини таъминлади. Инфляция даражасининг паст кўрсаткичи ва давлат бюджети профицитининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоизни ташкил этиши орқали мамлакат макросиқтисодий барқарорлиги янада мустақкамланди.

Саноат тармоқларини диверсификация қилиш жараёнини чуқурлаштириш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ички талабни рағбатлантириш ва ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирish борасида кўрилган чора-тадбирлар самарасида ҳисобот даврида саноат ишлаб чиқариши ҳажми жадал ўсиши таъминланди. Натижада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,9 фоизга, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 12,8 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида истеъмол товарлари улушининг 2013 йилнинг биринчи чорагида 29,5 фоиздан 2014 йилнинг I чорагида 34,4 фоизгача ўсишига эришилди.

Натижада шу йилнинг биринчи чорагида ЯИМ ўсишининг 20 фоиздан ортиги саноат ривожланиши ҳисобига таъминланди. Бу 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан қарий икки баравар кўп (11,6 фоиз) демакдир. Саноатда меҳнат самарадорлиги 7,2 фоизга ўсди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ўрта ҳисобда 8,8 фоизга

ва ялпи ички маҳсулотдаги энергия сарфини 15 фоизга қисқартиришга эришилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, замонавий юқори самарали агротехнологияларни жорий қилиш ҳамда деҳқон ва фермер хўжалиқларининг моддий-техник базасини мустақкамлаш бўйича чора-тадбирларнинг давом эттирилиши қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,2 фоизга ошишига хизмат қилди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва турининг кенгайтирилиши хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича кўрилган дастурий чора-тадбирлар баробарида чакана савдо айланмаси 14,3 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиши 9,1 фоизга ошишини таъминлади. Умуман, жорий йилнинг I чорагида кўрсатилган хизматлар ҳажми 11,8 фоизга ўсди, уларнинг ЯИМдаги улуши 52,9 фоизга кўпайди (2013 йилнинг шу даврида 52,5 фоиз).

2014 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(2013 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	107,5
Саноат маҳсулотлари	108,9
Истеъмол товарлари	112,8
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	106,2
Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми	112,4
Қурилиш ишлари	115,5
Чакана савдо айланмаси	114,3
Пуллик хизматлар	109,1
Жами хизматлар	111,8

(Давоми 2-бетда).



Шоирот. ШАРАПОВ. оғиллар. сардор.

Ижод ва замон муҳри

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Унда шоирнинг болалик, ўсмирлик даври, мухлисари билан учрашувлари, оиласи даврасида муҳрланган суратлар жамланган.

Муҳаммад Юсуф ҳаётигида ҳам, ҳозир ҳам халқимиз орасида. Давраларда забардаст шоир ҳақида сўз очилганда, кўпчилик томонидан, у Ватан ва меҳр-оқибат куйчиси эди, дея эътироф этилади. Чинакамга миллиатимиз фахрига айланган ижодкор хотираси бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудудидида ҳурмат ва эҳтиром ила ёдга олинаётгани бунинг тасдиғидир.

— Муҳаммад — шеъри ўзига, ўзи шеърига ўхшаган шоир эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Сирожиддин Сайид. — Ашъорлари кўшиқдай, Ватанга бўлган садоқат ва муҳаббат оҳанрабоидайд яраларди. У халқ қалбидидаги сўзларни асарларига кўчирган олган улкан истеъдод соҳиби эди. Айтиш жоизки, Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори асосида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган ва каби тадбирлар шеърият байрамларига айланиб кетмоқда.

Анжуманда шоир ижодидан намуналар ўқилди. Санъаткорлар унинг шеърларига басталangan куй-қўшиқлар ижро этишди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

XALQ BANKI

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодийётининг барча тармоқларида таянч кучга айланмоқда. Бу жараёнда эса банк тизими томонидан улар қўллаб-қувватланаётгани муҳим аҳамият касб этапти.

Президентимизнинг

2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маъкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, ўтган йили иқтисодийётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоиз ошгани, айниқса, банк хизматларидан фойдаланиш даражаси ортиб, юртимизда ҳар юз минг катта ёшдаги аҳолига 49,7 та банк муассасаси тўғри келаётгани, улар томонидан ҳар минг киши номига 1 минг 28 та ҳисоб рақами очилгани, бу эса халқроқ нормалар бўйича "юқори" деган баҳо кўрсаткичига мос эканлиги ана шундан далолат беради.

Хусусан, биргина давлат-тижорат Халқ банкининг Қашқадарё вилояти филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, жумладан, шу соҳа билан шуғулланиш истагида бўлган коллеж битирувчилардан 116 нафарига 622 миллион сўм миқдорида кредит берилиб, белгиланган режа 143,6 фоиз бажарилгани диққатга сазовордир.

— Коллежда ўқиб юрган кезларимда, мазкур филиал ходимлари томонидан ўтказилаётган учрашувларда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлган ёшлар ўз бизнесини ташкил этиб, катта муваффақиятларга эришаётганликлари ҳақида

Ишбилармонлар қўллаб-қувватланмоқда

Дарҳақиқат, Халқ банки томонидан ажратилаётган кредитлар вилоят аҳолисини иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётди. Бу, ўз навбатида, унинг миқозлари сафи кенгайишида муҳим омил бўлаётди.

Таъкидлаш керакки, филиал миқозлари ҳақида гап кетганда, уларнинг аксарияти тадбиркор аёллар эканлиги қувонарлидир. 2013 йилда хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган кредитлар миқдори 12 миллиард 373 миллион сўмни ташкил қилгани, бу режадагидан 138,2 фоиз кўплиги инобатга олинса,

уларнинг соҳага қизиқиши сабаби аён бўлади-қўяди. — Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳа вақиллари каби тадбиркорларга ҳам кенг имкониятлар яратилди, — дейди Қарши туманидаги "Хикматова Мукаррам" хусусий корхонаси раҳбари М. Хикматова. — Хусусан, мен тадбиркорликни йўлга

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Шу билан бирга, филиал жамоаси ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантираётгани уларнинг фаолият турларини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Мисол учун, ўтган йил мобайнида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш ва ички бозорни улар билан

вожлантиришга 1 миллиард 87 миллион сўмлик сармоялар берилгани ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда.

— Халқ банки жамоаси доимо юрtdошларимиз дардини ўйлайди, десам, муволага бўлмайди, — дейди Касби туманининг Мўғилон қишлоғидаги "Мўғиза нон" хусусий корхонаси раҳбари Қоржов Қувватов. — Масалан, илгари ҳамқишлоқларимиз нон маҳсулотларини харид қилиш учун туман марказига боришар эди. Уларнинг оғири енгил бўлсин, деб Халқ банкининг Касби тумани филиалига мурожаат этганидан, барака топшисин, менга 50 миллион сўмлик кредит беришиди. Бу маблағга хориждан замонавий ускуналар сотиб олиб, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Муҳими, 10 нафар киши иш билан таъминланди. Зеро, халқимиз дастурхонини янада тўқин қилиш — асосий мақсадимиз.

Соғлом бола йилида ҳам банк жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий молиявий кўмакчиси бўлиш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда.

Ў. ИКРОМОВ.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бозорининг якунлари (2014 йил 1 апрель ҳолатига қўра)

Республикаимиз сугурта бозоридида 2014 йилнинг биринчи чораги мобайнида сугурта компаниялари томонидан жами мазкур мажбурий сугурта тури бўйича 500 930 дона сугурта полиси расмийлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 101,2 фоизни ташкил этди. Ушбу даврда қабул қилинган сугурта мажбуриятлари ҳажми эса жами 3 330,8 млрд. сўмга (111,8%) тенгдир.

2014 йилнинг биринчи чораги мобайнида сугурта компаниялари томонидан жами 1 158 дона (121,5%) умумий суммаси 1 797,0 млн. сўмга (127,0%) тенг сугурта даъвоси қониқтирилган бўлиб, 14 дона (107,7%) умумий суммаси 27,1 млн. сўмлик (84,2%) сугурта даъвоси қониқтирилмасдан қолдирилди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича фаолият олиб бораётган сугурта компаниялари кесимида асосий кўрсаткичлар

Т/р	Сугурта компаниялари	Тузилган сугурта шартномалари сони (дона)			Келиб тушган сугурта мукофоти (млн. сўм)			Қондирилган сугурта даъволари (млн. сўм)		
		Жами	Улуши	Ўтган йилдагига нисбатан	Жами	Улуши	Ўтган йилдагига нисбатан	Жами	Улуши	Ўтган йилдагига нисбатан
1.	«Ўзагросугурта» ДАСК (ОАЖ)	209 334	41,8%	95,0%	6 160,3	35,6%	102,8%	312,7	17,4%	67,4%
2.	«Қафолат» ДАСК (ОАЖ)	91 879	18,3%	94,2%	3 571,4	20,6%	104,7%	373,1	20,8%	244,4%
3.	«Ўзбекинвест» ЭИМСК	24 559	4,9%	83,5%	933,1	5,4%	91,9%	88,8	4,9%	102,0%
Давлат улуши мавжуд компаниялар бўйича, ЖАМИ:		325 772	65,0%	93,8%	10 664,8	61,6%	102,4%	774,6	43,1%	110,1%
4.	ОАО «Kapital Sug'urta»	44 712	8,9%	107,0%	1 446,1	8,4%	112,1%	156,5	8,7%	123,8%
5.	ОАО СК «Alskom»	35 084	7,0%	103,5%	1 517,5	8,8%	113,4%	483,8	26,9%	232,9%
6.	CO ЗАО «Alfa Invest»	27 492	5,5%	93,1%	1 144,4	6,6%	102,8%	148,0	8,2%	117,5%
7.	СК ООО «Asia Inshurans»	17 850	3,6%	80,0%	670,5	3,9%	91,7%	17,2	1,0%	38,7%
8.	ЗАО «Universal Sug'urta»	10 020	2,0%	89,8%	391,0	2,3%	99,3%	106,5	5,9%	325,0%
9.	ООО МСК «Ishonch»	40 000	8,0%	457,5%	1 469,3	8,5%	476,0%	110,4	6,1%	63,5%
Бошқа компаниялар бўйича, ЖАМИ:		175 158	35,0%	118,8%	6 638,8	38,4%	128,3%	1 022,3	56,9%	143,8%
ЖАМИ		500 930		101,2%	17 303,6		111,0%	1 797,0		127,0%

Худудлар кесимида йиғилган сугурта мукофотлари бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти етакчилик қилиб келмоқда. Улар мутаносиб равишда сугурта бозорининг 24,7% ва 10,9% улушини эгаллаган. Энг кам улушлар Сирдарё ва Жиззах вилоятларида бўлиб, мос равишда 1,3% ва 2,0%ни ташкил қилади. Қолган худудлар улушлари қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича асосий кўрсаткичлар республикаимиз худудлари кесимида

Т/р	Худудлар	Тузилган сугурта шартномалари сони (дона)			Келиб тушган сугурта мукофоти (млн. сўм)			Қондирилган сугурта даъволари (млн. сўм)		
		Жами	Улуши	Ўтган йилдагига нисбатан	Жами	Улуши	Ўтган йилдагига нисбатан	Жами	Улуши	Ўтган йилдагига нисбатан
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	21 996	4,4%	98,7%	593,0	3,4%	109,9%	54,4	3,0%	375,5%
2.	Андижон вилояти	37 509	7,5%	109,6%	1 196,3	6,9%	112,7%	49,6	2,8%	255,5%
3.	Бухоро вилояти	44 532	8,9%	101,7%	1 373,2	7,9%	121,0%	13,7	0,8%	62,9%
4.	Жиззах вилояти	13 614	2,7%	100,5%	351,8	2,0%	126,1%	30,8	1,7%	279,6%
5.	Қашқадарё вилояти	41 045	8,2%	105,9%	1 081,2	6,2%	116,0%	9,7	0,5%	144,1%
6.	Навоий вилояти	18 714	3,7%	95,3%	541,2	3,1%	102,3%	5,9	0,3%	66,0%
7.	Наманган вилояти	30 367	6,1%	111,3%	981,9	5,7%	119,6%	62,3	3,5%	138,2%
8.	Самарқанд вилояти	48 478	9,7%	100,1%	1 547,9	8,9%	106,3%	18,7	1,0%	67,2%
9.	Сурхондарё вилояти	24 135	4,8%	99,1%	698,0	4,0%	112,7%	6,9	0,4%	59,0%
10.	Сирдарё вилояти	9 124	1,8%	78,7%	219,6	1,3%	78,2%	26,5	1,5%	153,0%
11.	Тошкент вилояти	49 226	9,8%	89,5%	1 877,9	10,9%	96,5%	176,0	9,8%	82,6%
12.	Фарғона вилояти	44 705	8,9%	98,0%	1 691,5	9,8%	105,8%	30,2	1,7%	351,1%
13.	Хоразм вилояти	33 115	6,6%	103,8%	871,7	5,0%	118,3%	0,0	0,0%	0,0%
14.	Тошкент шаҳри	84 370	16,8%	107,6%	4 278,3	24,7%	116,9%	1 312,3	73,0%	132,5%
ЖАМИ		500 930		101,2%	17 303,6		111,0%	1 797,0		127,0%

2014 йилнинг биринчи чораги мобайнида сугурта компаниялари томонидан сугурта мукофоти бўйича 47 161 сугурталовчига 748,6 млн. сўм миқдоридида сийловлар берилди. Ушбу даврда Тўловларни қафолатлаш жамғармаси томонидан сугурта компаниялари жамғармага тақдим этган ҳужжатлар асосида 7 040 та сугурта шартномаси бўйича 107,3 млн. сўмлик сийловлар компенсация қилинди. Тўловларни қафолатлаш жамғармаси томонидан йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги 93 та илтимоснома бўйича 203,46 млн. сўм миқдоридида компенсация тўловлари амалга оширилди.

Маълумотлар сугурта компаниялари ҳисоботлари асосида тайёрланди.

Диққат!

Ҳурматли транспорт воситалари эгалари ва ҳайдовчилар!

«Ўзбекистон Республикасининг Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, сугурта қопламаси ва компенсация тўловини олиш бўйича барча мурожаатларни кўриб чиқиш бепул амалга оширилади.

Сугурта компаниясининг сугурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги ёки уни тўлаш ҳақидаги қарори сизга сугурта товони тўлаш тўғрисида ёзма мурожаатингиздан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши керак ва товон тўлаш рад этилганда, қарорда рад этишнинг асосланганлиги сабаблари кўрсатилиши лозим.

Компенсация тўловларини амалга ошириш ёки мазкур тўловларни тўлашни асосланганлигини таъкидлаш тарзда рад этиш

тўғрисидаги қарор тўловларни қафолатлаш жамғармаси томонидан сиз илтимоснома билан мурожаат этган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида қабул қилинади.

Сиз томонингиздан тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати аниқ белгиланган ва бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин эмас.

Йўл-транспорт ҳодисасида етказилган зарарнинг мажбурий сугурта орқали қопланиши ва қонуний ҳақ-ҳуқуқларингиз юзасидан Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича тўловларни қафолатлаш жамғармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ишонч телефони: (8-371) 239-42-72.
www.tkj.uz

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича Тўловларни қафолатлаш жамғармаси.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Навоий вилояти филиали

бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич олиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. ЖИБ Навоий вилояти судининг 2012 йил 9 ноябрдаги 09-53/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кармана тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3111,04 кв.м. (шундан тураржой майдони 889 кв.м. бўлган 11 хонали уй) бўлган нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи биноси.

Бошлангич баҳоси — 217 128 422 сўм.

2. ЖИБ Навоий вилояти судининг 2012 йил 9 ноябрдаги 09-55/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кармана тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1400,0 кв.м. (шундан тураржой майдони 75,8 кв.м. бўлган 2 хонали уй) бўлган нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи биноси.

Бошлангич баҳоси — 49 904 934 сўм.

3. ЖИБ Навоий вилояти судининг 2012 йил 9 ноябрдаги 09-54/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кармана тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3183,0 кв.м., тураржой майдони 137,6 кв.м. бўлган 5 хонали уй.

Бошлангич баҳоси — 169 424 047 сўм.

«Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ

бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич олиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Нукус шаҳар СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ЖИБ Нукус шаҳар судининг 2014 йил 29 январдаги 109554-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЙХБ майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 141 ВАА бўлган, «SHACMAN» русумли юк автотранспорт воситаси.

Бошлангич баҳоси — 209 475 000 сўм.

2. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 228 ВАА бўлган, «SHACMAN» русумли юк автотранспорт воситаси.

Бошлангич баҳоси — 209 475 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 14 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан

14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2014 йил 12 май куни соат 18.00.

Талабгорлар диққатига! Юқоридида автотранспорт воситалари 14 майдаги савдода сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдоси 2014 йил 28 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдога аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2014 йил 26 май куни соат 18.00.

Автотранспорт воситалари билан Нукус шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридидаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ нинг ОАТ «Турон» банки Нукус шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204942016001, МФО: 00585, СТИР: 302129374.

Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй. Телефон: (8-361) 222-84-44. www.rmm.uz

Гувоҳнома 9506.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Қорақалпоғистон Республикаси бош филиалида

бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич олиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2013 йил 7



шарт-шароит яратилган, — дейди Фаргона вилояти она ва бола скрининг маркази раҳбари, олий тоифали шифокор Нигорахон Абдурахмонова. — Жумладан, 2007 йили Корея Республикаси гранти асосида бу ерга “SSI-1000” русумли, 2010 йилда эса “Philips” русумли ультратовуш текширув аппаратлари келтирилди. Этиборли жиҳати, мазкур замонавий ташхис ускуналари ҳомиланинг нуқсонли ривожланишини аниқлашда кўл келмоқда. Қолаверса, кейинги йилларда Фаргона вилоятида ойда бир марта “Саломатлик ҳаф-

бола мавжуд оиладаги бошқа фарзандлар ҳам шу даргда чалиниши мумкин. Шу боис скрининг марказида туғма модда алмашинуви касалликлари аниқланган болалар бепул дори-дармон, малакали тиббий хизмат билан таъминланаяпти. Қолаверса, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ҳам ушбу хайрли ишга муносиб ҳиссасини қўшиб келаётир. Тиббиёт мутахассисларининг таъкидлашича, ҳозирги кунда дунёда 3500 га яқин генетик хасталиқлар тури аниқланган бўлиб, уларнинг аксарияти болалик даврида кузатилади. Бундай касалликлардан баъзилари наслдан-наслга ўтса, айримлари соғлом ота-оналардан дунёга келган фарзандларда, яна маълум бир қисми эса фақат ўғил болаларда учраёди. Биз мазкур ҳолатларда аниқ ташхис орқали касалликнинг пайдо бўлиши ва авлоддан-авлодга ўтиши сабаблари ҳамда хавфини аниқлашга алоҳида эътибор қаратаймиз. Бу усул билан оилада ногирон фарзандлар туғилишининг олди олинапти.

Саломатлик эса соғлом турмуш тарзи мевасидир. Зеро, оиладаги тиббий маданият, маънавий муҳит ҳамда тегишли тартиб-қоидалар асосида тўғри ҳаёт кечириш ҳар қандай хасталиқларга барҳам бериши, турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиши, шубҳасиз. Бу эса ҳар биримизнинг зиммамиздаги юксак масъулият, мажбурият ва бурч, деганидир. **Набижон СОБИРОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗЛАРИ

бугунги кунда навқирон авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Нодира номдаги Наманган вилояти ахборот-кутубхона маркази хизматчилари ва бу ерга келган китобхонлар билан мулоқот қилганимизда, улар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлашди. — Фаолиятимиз кўп қиррали, — дейди марказ директори Мавлуда Жўрабоева. — Бу ерга ярим миллион нусхадан ортиқ китоб жамланган. Шу билан бирга, ахборот технологиялари бўлими, маънавий-маърифий ишлар сектори ишлаб турибди. Электрон каталоглаштириш ва шу каби бошқа фаолият турлари бўйича ҳам фойдаланувчиларга хизмат кўрсатаймиз. Мавжуд каталоглар тизимининг компьютерларга киритилгани эса китобхонлар буортгани бир зумда бажариш имконини бермоқда. Жумладан, ҳозир “Ирбис”, “Када” дастурлари ёрдамида ўқувчиларимизга 122983 номдаги адабиётни жуда қисқа фурсатда тақдим эта оламиз.

“ZiyoNet” тармоғи орқали 5848 нусхадан катта ҳажмдаги маърузалар матнлари, бошқа ўқув кўлланимлари олинди. Бу, энг аввало, мактаб ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабаларининг машғулотири давомида олган билимларини мустаҳкамлашларида кўл келаётир.

курс раҳбари Алексей Ўрмонов 75 нафар ўқувчига ахборот технологияларини бошқариш сирларидан сабоқ бермоқда.

Дарвоқе, кейинги пайтларда марказнинг “Маънавий-маърифий ишлар” бўлимида доимо ўшлар гаважум. Чунки бу ерда уюштирилаётган тадбирларнинг аксарияти йигит-қизлар учун зарур бўлган, уларни қизиқтирадиган мавзуларни қамраб олаёпти. Масалан, яқинда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган уч кунлик семинар-тренингда давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати, йигит-қизларнинг талаб ҳамда эҳтиёжларини ўрганиш муаммолари, “Қамолот” ЁИХ вилоят кенгашининг бугунги кундаги фаолияти сингари зарур масалалар ўртага ташланди. Янги адабиётлар ва вақтли матбуот нашрларининг доимий кўргазмаси ҳам кўпчиликни ўзига жалб қиладиган тадбирга айланган.



Тизимдаги янгиланишлар натижасида ахборот-кутубхона маркази муталаа доираси билангина чегараланиб қолгани йўқ. Бу ерда ташкил этилган “Компьютер оламига дастлабки қадам” курси машғулотирида ёш китобхонлар “ақлли машина”ларда ишлаш, жумладан, унга маълумотлар киритиш, интернетдан фойдаланиш ва бошқа амалиётларни бажариши ўрганилади. Айни чоғда

Зиё масканида шоир ва ёзувчиларимиз асарлари тарғиботи кенг йўлга қўйилган. Чунки, уларнинг янги китоблари тақдими муаллифлар иштирокида ташкил этилмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.
Хасан ПЛЙДОВ
олган суратлар.

Соғлом оила меваси

Президентимизнинг мамлакатни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида юртимизда ўтган йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 3,8 баробар ошгани, натижада 295 та тиббиёт объекти реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилгани алоҳида қайд этилган эди.

ТИББИЁТ

Дарҳақиқат, бу истиқлолга эришганимиздан сўнг инсон манфаатлари энг олий қадрият даражасига кўтарилгани яна бир бор тасдиқлайди.

Хусусан, айни пайтда республикамизда оналар ва болалар саломатлигини таъминлаш борасидаги ислохотлар натижасида соғлом фарзанд-

лар туғилиши даражаси тобора юксалиб бораётир. Бунда жойларда ташкил этилган Она ва бола скрининг марказлари фаолияти, чунки, уларнинг энг илгор тиббий ускуналар билан жиҳозланаётгани муҳим ўрин тутаётир. — Муассасамизда болалар ва аёлларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча

талиғи”ни ўтказиш аънаънага айланиб, бу орқали чекка ва олис ҳудудларда истиқомат қилувчи ҳомилалар аёлларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилаяпти. Натижада ҳудудда сўнгги уч йил давомида нуқсонли чақалоқлар туғилиши ва болаликдан ногиронлик ҳолати 20 фоиз камайишига эришилди. Яна бир эътиборли жиҳати, скрининг текширувлари наслдан-наслга яширин тарзда ўтувчи ирсий касалликларни аниқлаш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Фенилкетонурия — шундай хасталиқлардан бири. Яъни яқин қариндошлар ўртасида никоҳ қайд этилса, туғилмаж фарзандларнинг бундай касалликка чалиниш эҳтимоли юқори бўлади. Боз устига, бемор

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизга қуйидаги миллий валютада янги омонат турларини тақлиф этади:

- «Наврўзинг муборак» Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра, ҳар ойда тўлаб берилади.
- «Баҳор ифори» Омонатга маблағлар 24 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра, ҳар ойда тўлаб берилади.
- «Соғлом фарзанд камоли» Омонатга маблағлар 2 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат мuddати тугагандан сўнг тўлаб берилади.
- «Зиё» Омонатга маблағлар 1 — 3 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра, ҳар ойда тўлаб берилади.
- «Мағрур юрт фарзанди» Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра, ҳар ойда тўлаб берилади.

Бундан ташқари, аҳолининг уй-жой ва бошқа шахсий мулкларидан фойдаланиш жараёнида улар бўйича тўланадиган коммунал тўловларини тўлашда қулайлик яратиш мақсадида қуйидаги янги махсус юқори фоизли омонат турлари жорий қилинган:

- «Қулай тўлов» Омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади ва омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини сўндириш учун йўналтирилади.
- «Тежамкор» Омонатга маблағлар 1 йилга қабул қилинади ва омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини сўндириш учун йўналтирилади.
- «Коммунал» Омонатга маблағлар 24 ойга қабул қилинади ва омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини сўндириш учун йўналтирилади.

Ушбу омонат турларига банкнинг барча филиалларида маблағ қабул қилинади.

1.	Тошкент шаҳар минтақавий филиали	(8-371)	150-77-21
2.	Тошкент вилояти минтақавий филиали	(8-371)	150-79-19
3.	Андижон минтақавий филиали	(8-374)	222-23-72
4.	Фарғона минтақавий филиали	(8-373)	229-70-91
5.	Наманган минтақавий филиали	(8-369)	223-04-37
6.	Бухоро минтақавий филиали	(8-365)	223-92-21
7.	Самарқанд минтақавий филиали	(8-366)	210-02-49
8.	Қашқадарё минтақавий филиали	(8-375)	771-04-26
9.	Сурхондарё минтақавий филиали	(8-376)	770-83-72
10.	Қорақалпоғистон минтақавий филиали	(8-361)	224-22-15
11.	Хоразм минтақавий филиали	(8-362)	227-48-15
12.	Сирдарё минтақавий филиали	(8-367)	221-00-71
13.	Жиззах минтақавий филиали	(8-372)	771-63-38
14.	Навоий минтақавий филиали	(8-436)	770-27-97

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- микдори чекланмаган.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 150-76-53, 150-39-93.
www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

Schetchik.Uz

ГАЗ, ЭЛЕКТР ВА СУВ ҳисоблагичлари

Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий кўчаси, 34-уй. Мўлжал — Ҳамза тумани электр таъминоти корхонаси.
Тел.: (+99890) 957-51-21, факс: (8-371) 283-66-88.
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Машғулотлар жадвали болалар бўш вақтига қараб тузилади

Янгиер шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари замонавий спорт залига эга бўлди. Мазкур иншоот Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 1 миллион 76 миллион сўм эвазига бунёд этилди.

СПОРТ

Натижада ўғил-қизларнинг мини-футбол, баскетбол, волейбол, бадий гимнастика ҳамда бокс билан шуғулланишлари унун қулай шароит яратилди.

— Жами 57 та гуруҳда спортнинг 6 тури бўйича машғулотлар олиб бораёғимиз, — дейди болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Инобат Бабаева. — Гуруҳлар ва машғулотлар жадвалини ҳар бир боланинг бўш вақтига қараб тузганмиз. Бу ўқувчиларнинг дарс ҳамда спорт машғулотларини бирдек пухта ўзлаштириб боришларида қулайлик яратмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

2014 йил учун протез-ортопедия маҳсулотларини харид қилиш юзасидан ўтказилган очик тендер натижалари бўйича қуйидагиларни маълум қилади:

жорий йилда харид қилиниши кўзда тутилган 54 турдаги (12 472 дона) протез-ортопедия маҳсулотларининг 41 тури (11 329 дона) бўйича «Ортопедия реабилитацияси» МЧЖ ҳамда 13 тури (1 143 дона) бўйича «Ортопедия маҳсулотлари» МЧЖ тендер ғолиби деб топилди.

Мазкур тендер танловини ўтказиш тўғрисидаги эълон «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 18 мартдаги 53 (5983)-сонда чоп этилган.

«CONTINENTAL ESTATE ADVISORY GROUP» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

Аукцион савдосига «Зангиота Тошхўжаев Солихўжа» фермер хўжалиги умумий йиғилишининг 2014 йил 16 февралдаги 1-сонли баённомаси, шунингдек, 2014 йил 16 февралдаги 1-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Зангиота» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, «Зангиота Тошхўжаев Солихўжа» Ф/Х.га тегишли бўлган ва захирага топширилган, умумий ер майдони 32,10 гектар (0,8 гектар суғориладиган экин майдони, 1 гектар боғзор, 27 гектар узумзор ва 0,2 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ер майдони)га тенг бўлган бог қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 21 546 340 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 26 май кuni соат 11.00 да бўлиб ўтди.

Кўчмас мулклар 2014 йил 26 майдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йил 11, 26 июнь кунлари соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 38-уйда бўлиб ўтади. Мазкур манзилда кўчмас мулклар ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Талабдорлардан аризалар ушбу эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2014 йил 25 май кuni соат 18.00 гача.

Аукцион савдосида ғолиб деб топилган шахсга 20 иш кuni ичда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан кўчмас мулк учун тўловларни амалга ошириш шакли ва мuddати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Мазкур савдоларда катнашиш истагидаги талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини савдо кунига қадар «Continental estate advisory group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904916649001, МФО: 00974, СТИР: 301949454.

Телефон: (+99895) 170-11-40.
E-mail: ceag@inbox.ru

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 469. 121 618 нусхадан босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳфаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Набатчи — О. Файзиев.
Мусаххач — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5

ISSN 2010-8788
4720101678001